

Урта Осиё халklarининг бошка Шарк мамлакатлари халklари билан маданий алокалари.

Урта Осиё географик жихатдан Осиё китъасининг маркази ва кулай жойда булганлиги сабабли бу халklarнинг бошка шарк мамлакатлари, хатто гарб мамлакатлари билан булган алокаси хам жуда кадимийдир. Бу юрт худудидан утган «Буюк ипак йули»нинг тарихини урганиш бизнинг юкоридаги хулосага келишимизга сабаб булмокда.

Урта Осиё халklари мусика санъатининг, кушикчилик ва чалгу созларининг бошка шарк мамлакатлари халklари мусика санъатига жуда ухшаш ва якин булганлиги бу халklar уртасидаги маданий алокалар илдизи жуда чукур ва кадимий эканлигидан далолат бермокда. Буни айникса Эрон, Афгонистон, Хиндистон, Покистон, Бангладеж, Араб мамлакатлари ва Хитойда хамда Хинди-Хитой ярим оролида яшовчи халklar мусика маданиятини урганиш оркали билиб олмокдамиз. Биз санаб утган мамлакатлардан ташкари Сибир, Мугулистон, Корея, Япония, Филиппин, Индонезия халklари мусика маданияти хам Урта Осиё халklари мусика санъати каби якка овозлик ва ансамбл шаклида эканлиги фикримиз далилидир. Бу мамлакатлар чалгу созлари тузилиши ва ижро этиш услублари Урта Осиё чалгу созларидан деярли фарк килмайди. Кушикчилик санъати ва ундаги охандорлик овоз ишлатиш махорати, лад тузилиши, ифода хусусиятлари хам бир-бирига жуда ухшашдир.

Бу эса ё кадимги одамлар бир жойда яшаб кейинчалик таркалиб кетганлигидан (Диний китобларда инсонларнинг одам ато ва момо хаводан таркалганлиги тугрисида маълумот берилади, ёки Нух пайгамбар киссасини эсланг) ёки бу мамлакатлар уртасида жуда кадимдан буён маданий алокалар мустахкам булганлигидан далолат беради. Бу алокаларда савдо карвонларининг дарвешлар ва каландарларнинг халк уйинлари усталари; дорбозлар, масхарабозлар, кугирчокбозлар, хофизлар ва бошка санъат ахилларининг у мамлакатдан бу мамлакатга бемалол утиб уз санъатларини

намойиш килишлари, халк йигинлари, сайллар ва байрам тадбирларда иштирок этиб, санъатларини номойиш килишларининг роли катта булган.

Санъат ҳамма вақт халкчил булиб, у қайси тилда қуйланишидан қатъий назар юракдан чиқса, юракка етиб боради. Маълумки, жуда қадимги даврларда яшаган халқлар (у ҳоҳ ғарб, ҳоҳ ғшарк булсин) Маданияти ва санъатининг бир-биридан кескин фарқ қилувчи турлари ва шакллари қириш қийин. Кейинчалик миллатларнинг, тилларнинг ва адабиётнинг шаклланиб, тараккий этиши натижасида санъат ҳам узида миллийлик хусусиятини қасб этади. Бунинг боиси эса турли халқлар ижтимоий ҳаётдаги, шахсий турмушдаги психологик ҳолатлар ва рухий қечинмаларнинг уша халққа, уша миллатга ҳос равишда содир булганлигидир.

Санъатдаги маҳаллийлик ва миллийлик қабилар, халқлар ҳаёти, маиший турмуш тарзи, фаровон истикбол учун қураши, мураккаб ижтимоий қиддиётларни ҳал этиши билан алоҳида уша халқники булиб ажқалиб туради.

Урта Осиё халқлари мусиқа ва қушиқчилиқ санъатидаги алоҳида бошқа халқлар мусиқа ва қушиқчилдиқ санъатидан миллий қушиқчилиғимиз, шеърӣят ва рақс санъати билан қамбарчас богланган ҳолда эканлиғи қилағ фарқланиб туради.

Бундан шундай ҳулосага қелиш мумкинки, мусиқа, қушиқчилиқ санъати ва рақс мустақил равишда ва бошқа санъат турлариданг алоҳида тарзда қайдо булмай, балки аксинча маданият ва санъатнинг бошқа турлари билан узвий боглиқ ҳолда қадр топан.

Шу уринда Шарқ мамалқатлари халқларга ҳос булган Навруз ва Меҳржон байрамлари ҳақида ҳам айтиб утиш жоиздир. Навруз баҳори қун ва туннинг тенглашиши булса, Меҳржон қуздаги қун ва туннинг тенглашиши, яъни 22 сентябрда байрам қилинади. Бу байрамлар шарқ халқлари орасида маданий алоқалар қадимдан мавжуд ва доимий эканлиғидан далолат беради.

Адабиётлар

1. *Илёс Акбаров. Мусика лугати. Г.Гулом нашриёти. Т.: 1997 й.*
2. *Р.т.Акбаров. Мусика сехрлари. Т.: 2000 й.*
3. *Фитрат. «Узбек классик мусикаси ва уни тарихи». Т.; Фан. 1993 й.*